"30" декабрь 2013
№ 210

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014-2016 йиллар учун**

# БОШ КЕЛИШУВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (бундан буён – "Ҳукумат"), Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши (бундан буён – "Касаба уюшмалари"), Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси (бундан буён – "Иш берувчилар") кейинги ўринларда "Тарафлар" деб аталувчи мухтор вакиллар тимсолида:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига амал қилиб;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини демократик янгилаш, либераллаштириш ва модернизациялаш борасидаги устувор йўналишларни ижро учун қабул қилиб;

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясини, мустақил Ўзбекистон манфаатларини биринчи ўринга қўйиб;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган бешта тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётини шакллантиришга кўмаклашиш заруриятини тасдиқлаб;

давлат, иш берувчилар ва ходимларнинг ижтимоий масъулиятини тан олиб;

ходимлар ва иш берувчиларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаб туриш ишларида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ижтимоий шериклик тамойилини амалга ошира бориб;

ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб берувчи мазкур Бош келишувни туздилар (бундан буён "Келишув") ва ўз зиммаларига қуйидаги йўналишлар бўйича мажбуриятларни олдилар.

## I. Иқтисодиётни, маҳаллий ишлаб чиқаришни ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларининг бажарилиши бўйича чоралар амалга оширилишини давом эттириш, республикамизда ислоҳотларни янгилаш ва иқтисодиётни модернизация қилиш ишларини чуқурлаштириш мақсадида Тарафлар келгусида қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

1. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, инновацион ғоялар ва ишланмалар жорий этилиши кўламини кенгайтириш борасида ҳамкорликда иш олиб бориш;

2. Инвестиция муҳитини янада яхшиланишини таъминлайдиган аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини, шу жумладан корхоналар ва аҳоли инвестицияларини, чет эл инвесторларини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш ва инфратузилмани модернизация қилиш ва ривожлантиришга ҳисса қўшаётган хўжалик юритувчи субъектларни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш ҳисобига амалга ошириш.

3. Иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳани эркинлаштириш, шу жумладан максимал даражада қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш бўйича ислоҳотларни янада чуқурлаштирилишини таъминлаш.

## II. Меъёрий ижодкорлик ишларида иштирок этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий ҳимояси

Мавжуд ҳуқуқий меъёрлардан фойдаланиш ва ҳуқуқий майдонни кенгайтириш йўли билан ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, Тарафлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

4. Меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалалар соҳасидаги қонун ҳужжатларини шакллантиришда касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг иштирокини таъминлаш;

5. Ижтимоий корхоналар фаолиятини қонун ҳужжатлари билан тартибга солиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

6. Давлат бошқаруви Академиясида, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаларида, шунингдек малака ошириш муассасаларининг барчасида “Меҳнат ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи”, “Меҳнат муҳофазаси”, “Касб касалликлари”, “Меҳнат гигиенаси” фанларининг чуқур ўқитилишини йўлга қўйиш, “Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги” таълим йўналиши бўйича магистрлар тайёрлашни кўпайтириш;

7. Иш берувчиларнинг ҳуқуқий саводҳонлигини ошириш борасида тизимли ишларни олиб бориш;

8. Меҳнат қонунчилиги бузилишига йўл қўйиган мансабдор шахслар томонидан мазкур қонун бузилиши бартараф этилмаган ҳолларда, суд органларига мурожаат қилишдан олдин, юридик шахсларнинг юқори органлари билан ижтимоий шериклик ва мулоқот асосида ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини жорий этиш;

9. Меҳнат қонунчилиги бузилишларининг олдини олиш бўйича барча вазирлик ва идоралар билан касаба уюшмаларининг тизимли ҳамкорлигини йўлга қўйиш.

10. Иқтисодиётнинг норасмий секторида меҳнат муносабатларини қонунийлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш.

## III. Меҳнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва аҳолининг турмуш даражаси

Тарафлар келгуси даврда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оғишмай юксалтириб боришни, республика фуқароларини ижтимоий қўллаб қувватлашни кучайтиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилиши зарур деб ҳисоблайдилар. Бу мақсадда Тарафлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

11. Мазкур Келишувнинг амал қилиш даврида меҳнаткашларнинг реал иш ҳақи ва даромадларининг барқарор ўсиб боришини таъминлаш чораларини кўриш;

12. Ижтимоий шерикларга меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишда ва иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминлашда жамоа келишувлари ва шартномаларининг ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар кўришни тавсия этиш;

13. Тармоқлараро, тармоқ, худудий ва маҳаллий миқёсларда илмий асосланган меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш учун шарт-шароит яратиш орқали меъёрий негизни ривожлантириш ишларини давом эттириш;

14. Иш ҳақи ўз вақтида тўланиши, энг кам иш ҳақи стандартларига риоя этилиши, энг кам меҳнат ҳақи Ягона тариф сеткасинининг биринчи разряди ставкасидан кам бўлмаслиги устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш.

Қонун хужжатларида белгиланган тартибда меҳнат ҳақи ўз вақтида тўланиши устидан назоратни таъминлаш борасида иш берувчилар ва касаба уюшмалари масъулиятини ошириш.

## IV. Меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш

Меҳнат бозорининг самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳамда аҳолини иш билан таъминланганлик даражасининг юксалтирилишини ўз мақсади деб эътироф этган ҳолда Тарафлар янги иш ўринларини яратиш, кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасида кучларни бирлаштириш зарур деб ҳисоблайдилар ва қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

15. Бандлик йўналишлари, тармоқлар ва ҳудудлар кесимида янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш йиллик Дастурларини ишлаб чиқиш ва бажариш бўйича тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаб бориш. Бунда барқарор иш ҳақини ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи доимий иш ўринлари, айниқса қишлоқ жойларида иш ўринлари яратилишига алоҳида эътибор қаратиш. Касаба уюшмалари органлари томонидан янги иш ўринларини яратишда иш берувчиларга кўмаклашишлари ҳамда ўтказилган мониторинглар натижалари бўйича иш берувчиларнинг ҳисоботлари ҳаққонийлиги юзасидан ахборот киритиб боришлари таъминланади;

16. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг услубиёти бўйича ҳисоблаб чиқилган умумий ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳолининг 5 фоизидан ошмаслигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни касбий тайёргарликдан ўтказиш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек уларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинишини кенгайтириш;

Касаба уюшмалари органлари томонидан жойларда ишсизлик сабабларини ўрганиш бўйича аниқ чоралар кўриш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт, Молия ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларига тегишли таклифлар киритиб бориш;

17. Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари, Қуролли кучлар сафида муддатли хизматни ўтаб қайтганлар ва аҳолининг ижтимоий заиф қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштирилишига ҳар томонлама кўмаклашиш;

18. Ижтимоий шериклар томонидан янги иш ўринлари яратилиши устидан давлат назорати ва жамоатчилик мониторингини йўлга қўйиш;

19. Чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш ташкилотларида ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларига риоя этилишини биргаликда назорат қилиш, бошқа кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликлари учун шу каби талаблар ишлаб чиқилиши ҳамда жорий этилиши чораларини кўриш;

20. Норасмий секторда бандлик даражасини пасайтириш бўйича таъсирчан чоралар кўриш.

## V. Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири деб ҳисоблаган ҳолда, Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

21. Ўзбекистонда меҳнатни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини мувофиқлаштириб бориш ва ҳал этиш борасида фаолият юритадиган жамоатчилик органини тузиш бўйича таклифлар киритиш;

22. Меҳнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилаш бўйича 2014 - 2016 йиллар учун ҳаракатлар Дастурини қабул қилиш, бунда корхоналарда "яшил иш ўринлари"ни, яъни муносиб меҳнат шароитларини таъминловчи иш ўринларини яратишни назарда тутиш;

23. "Яшил иқтисодиёт" принциплари бўйича мамлакатнинг барқарор ривожланишига эришишни таъминловчи шароитлар яратишга йўналтирилган 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар Дастури бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш;

24. Ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш, давлат назорати ва текшируви органлари билан биргаликда меҳнат шароитлари ва муҳофазаси, саноат ва экологик ҳавфсизлик аҳволини биргаликда текшириш амалиётини кенгайтириш.

25. Қуйидагилар устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш:

фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тизими билан иш берувчиларнинг тўлиқ қамраб олиниши;

корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат муҳофазаси тадбирларини молиялаштириш;

меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларининг шаҳодатдан ўтказилиши;

меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар сайланиши, ўқитилиши, малакаси оширилиши жараёнлари, уларнинг самарали ишлаши учун шароитлар яратиб берилишини жамоа шартномалари ва келишувларида акс эттириш.

26. Меҳнат муҳофазаси бўйича қоидалар ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастурини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

27. Меҳнат муҳофазаси масалаларининг муҳим ўрин тутиши ҳақида жамоат фикрини шакллантириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишларини олиб бориш;

28. Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан Республика кўрик-танлови ўтказилишини давом эттириш.

## VI. Ижтимоий кафолатлар, ижтимоий ҳимоя

Ишлаётган фуқаролар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, муносиб ҳаёт учун меҳнат қилиш шарт-шароитларини яратиб бериш мақсадида Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

29. Ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишларида фаол иштирок этиш, кам таъминланган ва имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган оилаларни, ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлашнинг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган чораларининг амалга оширилишини таъминлаб бориш;

30. Ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, имконияти чекланган болалар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили "Наврўз" ва "Мустақиллик" байрамлари арафасида мақсадли тадбирларни ўтказиш;

31. Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кўп болали ва кам таъминланган оилаларга, имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатиб бориш;

32. Касаба уюшмалари Федерацияси ва Савдо-саноат палатаси томонидан ёлғиз кексаларга, шунингдек "Саховат" ва "Мурувват" уйларига моддий кўмак чораларини қўллаш;

33. Бизнеснинг корпоратив ижтимоий масъулиятини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш.

## VII. Маънавий-маърифий ишлар, жисмоний тарбияни оммалаштириш ишлари, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш

Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

34. Иш берувчиларга ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар йили маданий дам олдириш, туризм ва соғломлаштиришни ташкил этиш чораларини кўриб боришни тавсия қилиш;

35. Ҳар йили кам таъминланган ва кўп болали оилалар аъзолари, Чернобил АЭСидаги фалокатни бартараф этиш иштирокчилари, байналминалчи жангчилар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдида хизматлари бор шахсларнинг маълум миқдорини касаба уюшмалари санаторийларида бепул соғломлаштиришни кўзда тутиш;

36. Ёз мавсумида болаларнинг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиш ва соғломлаштирилишини ташкил этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириб бориш;

37. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида "Меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчиларини, шунингдек республиканинг экология жиҳатдан ноқулай минтақаларида истиқомат қилувчи болаларни соғломлаштирилишига кўмаклашиб бориш;

38. Санаторийлар ва дам олиш уйларини, шунингдек болалар соғломлаштириш оромгоҳларини доимий равишда модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратиш.

## VIII. Аёллар ва ёшлар учун қўшимча кафолатлар

Тарафлар аёллар ва ёшлар учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этишни ва имтиёзлар беришни ўз зиммасига олган ҳолда қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

39. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг қуйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш:

"Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида"ги 29-сонли Конвенция;

"Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида"ги 100-сонли Конвенция;

"Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги 103-сонли Конвенция;

"Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида"ги 111-сонли Конвенция;

"Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги 138-сонли Конвенция;

"Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида"ги 182-сонли Конвенция.

40. Жамоа шартномалари ва келишувларида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутиш, шу жумладан:

ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш;

болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатиш;

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, шунингдек касб-ҳунар таълими муассасаларининг битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш;

узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиши, шунингдек сафарбарлик чақируви захирасида хизмат ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фоизсиз ссудалар бериш.

41. Аёллар ва ёшларга қўшимча имтиёзлар берилишини назарда тутувчи идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти Конвенцияларига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқлиги нуқтаи-назаридан қайта кўриб чиқиш ҳамда уларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ёки юқоридагиларга зид меъёрларни бекор қилиш юзасидан таклифлар бериш;

42. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлаштирилишини ва иш жойларида қўнимлилигини алоҳида назоратга олиш.

## IX. Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш

Тарафлар, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги муаммоларни маданий йўл билан ҳал этиш услуби ҳисобланган ижтимоий мулоқот ғоясига содиқлигини эълон қилиб, ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

43. Долзарб ижтимоий иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчиларнинг Ҳукумат, вазирликлар, идоралар вакиллари билан давра суҳбатларини ташкил этиб бориш;

44. Касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмаларининг қонуний ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилинишига йўл қўймаслик;

45. Тегишли касаба уюшмалари ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасидаги тармоқ (тариф) келишувларини - тегишли йилнинг январь ойидан, корхона, ташкилот, муассасаларда жамоа шартномаларини эса – март ойидан кечиктирмай тузишни тавсия этиш;

46. Қуйидагиларни тавсия этиш:

касаба уюшмалари Марказий кенгашлари раисларини Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Комплекслари йиғилишларида кузатувчи сифатида иштирок этишларини;

касаба уюшмалари Марказий кенгашлари раисларини вазирликлар ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳайъатлари таркибига киритилишини;

бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарини корхонанинг бошқарув органларига киритилишини.

## X. Келишувнинг амал қилиши, уни амалга ошириш механизми ва бажарилиши учун тарафларнинг жавобгарлиги

47. Мазкур келишув 2014-2016 йиллар учун тузилган бўлиб навбатдагиси қабул қилингунга қадар амалда бўлади. Келишув Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қилади.

48. Тарафлар мазкур Келишувни ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб берувчи ижтимоий шерикликнинг асосий ҳужжати деб эътироф этадилар ҳамда мазкур Келишувга амал қилиш, унинг барча шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

49. Мазкур келишувнинг айрим меъёрий ҳолатлари тармоқ, худудий (минтақавий) келишувларга ва жамоа шартномаларига киритиш орқали амалга оширилиши лозим.

50. Мазкур Келишувга имзо чеккан ҳар бир Тараф унинг мақсадлари рўёбга чиқарилиши учун ўз ваколатлари доирасида масъулиятни тан олади ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олади.

51. Тарафлар мазкур келишувнинг амал қилиш даврида қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

а) ижтимоий-меҳнат муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан Тарафларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказиш;

б) ҳар йили камида бир марта Келишув бажарилишининг бориши ва якунларини муҳокама қилиб бориш.

52. Мазкур Келишувга имзо чеккан Тарафларнинг ҳар бири унга аввал олинган мажбуриятлар бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар беришга ҳақлидир. Ушбу таклифлар Тарафларнинг ўзаро розилиги билан қабул қилиниши мумкин.

53. Мазкур Келишув бажарилиши устидан назоратни Тарафлар томонидан тасдиқланган уч томонлама комиссия амалга оширади. (Комиссия таркиби илова қилинади).

2013 йил «25» декабр да Тошкент шаҳрида тузилган.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Бош вазирининг ўринбосари**

**Икрамов А.И.**

| **Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси** | **Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси** |
|---|---|
| **Нарбаева Т.К.** | **Шайхов А.Э.** |

O'zbekiston Respublikasi
Mehnat va aholini ijtimoiy
muhofaza qilish vazirligi
«30» декабря 2013 г.
№ 210

# ГЕНЕРАЛЬНОЕ СОГЛАШЕНИЕ

## между Кабинетом Министров Республики Узбекистан, Советом Федерации профсоюзов Узбекистана, Торгово-промышленной палатой Республики Узбекистан по социально-экономическим вопросам на 2014-2016 годы

Кабинет Министров Республики Узбекистан (в дальнейшем «Правительство»), Совет Федерации профсоюзов Узбекистана (в дальнейшем «Профсоюзы») и Торгово-промышленная палата Узбекистана (в дальнейшем «Работодатели»), в лице полномочных представителей, именуемые в дальнейшем «Сторонами»:

действуя в соответствии с Конституцией и законодательством Республики Узбекистан;

руководствуясь приоритетными направлениями демократического обновления, либерализации и модернизации всех сфер жизни страны, определенных Президентом Республики Узбекистан;

провозглашая приоритет прав и свобод граждан, интересов независимого Узбекистана;

подтверждая необходимость формирования социально-ориентированной рыночной экономики, базирующейся на пяти принципах осуществления социально-экономических реформ, провозглашенных Президентом Республики Узбекистан;

признавая необходимость социальной ответственности государства, работодателей и работников;

реализуя принцип социального партнерства для конструктивного взаимодействия в деле обеспечения защиты прав и социально-экономических интересов работников и работодателей, сохранения социального согласия и стабильности в обществе;

заключили настоящее Генеральное соглашение (в дальнейшем «Соглашение»), устанавливающее общие принципы согласованного проведения социально-экономической политики, и принимают на себя обязательства по следующим направлениям.

### I. Развитие экономики, отечественного производства и предпринимательства

В целях продолжения реализации мер по выполнению важнейших приоритетов программы социально-экономического развития страны, углублению реформирования, обновления и модернизации экономики республики, Стороны считают необходимым в предстоящий период:

1. Проводить совместную работу по повышению конкурентоспособности национальной экономики, стимулированию отечественных товаропроизводителей, проведению активной инвестиционной политики по модернизации, техническому и технологическому перевооружению ведущих отраслей экономики, расширению масштабов внедрения инновационных идей и разработок.

2. Реализовать комплекс целенаправленных мер, обеспечивающих дальнейшее улучшение инвестиционного климата, в том числе за счет поощрения инвестиций предприятий и населения, иностранных инвесторов, совершенствования механизмов стимулирования хозяйствующих субъектов, осуществляющих капитальные вложения в модернизацию и развитие производства и инфраструктуры.

3. Обеспечить дальнейшее углубление реформ по либерализации экономики и социальной сферы, включая формирование максимально благоприятной деловой среды.

## II. Участие в нормотворчестве и правовая защита работников

В целях обеспечения соблюдения трудовых, социально-экономических прав и интересов работников путем наиболее полного использования существующих правовых норм и расширения правового поля, Стороны обязуются:

4. Обеспечить участие Совета Федерации профсоюзов в формировании законодательных актов в сфере труда и социально-экономическим вопросам.

5. Разработать предложения по законодательному регулированию деятельности социальных предприятий, предоставлению им льгот и преференций.

6. Наладить углубленное преподавание дисциплин «Трудовое право, право социального обеспечения», «Охрана труда», «Профессиональные заболевания», «Гигиена труда», увеличить подготовку магистров по образовательному направлению «Безопасность жизнедеятельности» в Академии государственного управления, в высших, средних специальных профессиональных учебных заведениях, а также во всех образовательных учреждениях повышения квалификации.

7. Проводить системную работу по повышению правовой грамотности работодателей.

8. Внедрить систему досудебной защиты трудовых прав работников на основе социального партнерства и диалога с вышестоящими органами юридических лиц, в случаях неустранения должностными лицами нарушений законодательства, выявленных профсоюзами.

9. Осуществлять системное сотрудничество профсоюзов со всеми министерствами и ведомствами по предупреждению нарушений трудового законодательства.

10. Проводить целенаправленную работу по созданию условий для легализации трудовых отношений в неформальном секторе экономики.

## III. Оплата труда, доходы и уровень жизни населения

Стороны считают необходимым реализовать комплекс мер, обеспечивающих дальнейшее неуклонное повышение реальных доходов и уровня жизни населения, усиление социальной поддержки граждан республики. В этих целях Стороны обязуются:

11. В период действия настоящего Соглашения принимать меры по повышению реальной заработной платы и доходов трудящихся.

12. Рекомендовать социальным партнерам принятие дополнительных мер по повышению роли коллективных соглашений и договоров в регулировании оплаты труда и обеспечении своевременности её выплаты.

13. Продолжить работу по развитию нормативно-правовой базы путем создания условий для разработки научно-обоснованных норм труда на межотраслевом, отраслевом, территориальном и локальном уровнях.

14. Усилить государственный и общественный контроль над своевременностью выплаты заработной платы, соблюдением стандартов минимальной заработной платы и минимального размера оплаты труда, которая должна быть не ниже ставки по первому разряду Единой тарифной сетки по оплате труда.

Повысить ответственность работодателей и профсоюзов по обеспечению контроля за своевременной оплатой труда в установленном законодательством порядке.

## IV. Развитие рынка труда, содействие занятости населения

Стороны, признавая своей целью обеспечение эффективного функционирования рынка труда и повышение занятости населения, считают необходимым объединить усилия в решении задач по созданию новых рабочих мест, сохранению и развитию кадрового потенциала, обязуются:

15. Обеспечивать реализацию системных мер по разработке и выполнению ежегодных Программ создания рабочих мест и обеспечения занятости населения в разрезе направлений занятости, отраслей и территорий. При этом, особое внимание уделять созданию рабочих мест со стабильной заработной платой и безопасными условиями труда, особенно в сельской местности. Профсоюзным органам оказать содействие работодателям в создании новых рабочих мест и по результатам проводимых проверок, вносить информацию о достоверности отчетов работодателей.

16. Не допускать превышения уровня безработицы, рассчитанной по методологии Международной организации труда, выше 5 процентов от численности экономически активного населения, совершенствовать систему профессиональной подготовки и переподготовки безработных граждан, а также расширение привлечения их к оплачиваемым общественным работам.

Профсоюзным органам принимать конкретные меры по изучению на местах причин безработицы и вносить соответствующие предложения в Министерство экономики, Министерство финансов и Министерство труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан.

17. Оказывать всемерное содействие трудоустройству выпускников высших, средних специальных образовательных учреждений, лиц, вернувшихся со срочной военной службы в рядах Вооруженных сил и других категорий социально уязвимых слоев населения.

18. Силами социальных партнеров наладить государственный контроль и общественный мониторинг создания новых рабочих мест.

19. Осуществлять совместный контроль соблюдения минимального норматива численности и фонда заработной платы на предприятиях розничной торговли, общественного питания и строительства, принять меры по разработке и внедрению аналогичных требований для других субъектов малого бизнеса и фермерских хозяйств.

20. Принять действенные меры по снижению уровня занятости в неформальном секторе экономики.

## V. Охрана и безопасность труда

Рассматривая охрану и безопасность труда в качестве одного из приоритетных направлений сотрудничества, Стороны обязуются:

21. Внести предложения по созданию общественного органа, осуществляющего свою деятельность по координации и решению вопросов охраны труда и окружающей природной среды в Узбекистане.

22. Принять Программу действий по улучшению условий и охраны труда на 2014-2016 годы, при этом предусмотреть создание на предприятиях «зелёных рабочих мест», т.е. рабочих мест с достойными условиями труда.

23. Оказывать всемерное содействие реализации Программы действий по охране окружающей среды Республики Узбекистан на 2013-2017 годы, направленной на создание условий, способствующих достижению устойчивого развития страны по принципам «зелёной экономики».

24. Сосредоточить усилия на проведении работ по предупреждению производственного травматизма и профзаболеваний, а также устранению причин их возникновения, шире практиковать совместные проверки состояния условий, охраны труда, промышленной и экологической безопасности с государственными органами надзора и контроля.

25. Усилить государственный и общественный контроль над:

полным охватом работодателей системой обязательного страхования гражданской ответственности;

финансированием мероприятий по охране труда на предприятиях, в организациях и учреждениях;

проведением аттестации рабочих мест по условиям труда;

процессами избрания уполномоченных по охране труда, их обучения, повышения их квалификации и закрепления в коллективных договорах и соглашениях условий для их эффективной работы.

26. Обеспечить координацию работ по своевременной и качественной реализации Программы по пересмотру, разработке и введению правил и норм охраны труда.

27. Проводить широкую разъяснительную работу через средства массовой информации по формированию общественного мнения о значимости вопросов охраны труда.

28. Продолжить проведение Федерацией профсоюзов Республиканского смотра-конкурса на лучшую организацию общественного контроля по охране труда.

## VI. Социальные гарантии, социальная защита

В целях обеспечения социальной защиты работающих граждан и членов их семей, создания достойных условий труда, Стороны принимают на себя обязательства:

29. Принимать активное участие в разработке и реализации государственных социальных программ, обеспечивать реализацию предусмотренных законодательством мер по социальной защите и поддержке малообеспеченных семей, семей с детьми с ограниченными возможностями, работающих матерей.

30. Ежегодно проводить целевые мероприятия в преддверии праздников «Навруз» и «Мустакиллик» для оказания в каждой махалле материальной помощи одиноким престарелым гражданам, пенсионерам и инвалидам, детям с ограниченными возможностями, малообеспеченным и многодетным семьям.

31. Оказывать материальную помощь через коллективные договоры и соглашения многодетным и малообеспеченным семьям, семьям с детьми с ограниченными возможностями, ветеранам войны и труда.

32. Оказывать меры материальной поддержки со стороны Федерации профсоюзов и Торгово-промышленной палаты одиноким престарелым гражданам, а также домам «Саховат» и «Мурувват».

33. Разработать комплекс мер по развитию корпоративной социальной ответственности бизнеса.

## VII. Духовно-просветительская, физкультурно-массовая работа, оздоровление трудящихся и членов их семей

Стороны обязуются:

34. Рекомендовать работодателям принимать меры по организации ежегодно культурного отдыха, туризма и оздоровления работников и членов их семей.

35. Ежегодно выделять определенное количество бесплатных путевок на санаторно-курортное лечение работающим: членам многодетных и малообеспеченных семей; воинам-интернационалистам; участникам ликвидации аварии на Чернобыльской АЭС; ветеранам и инвалидам труда; лицам, имеющим заслуги перед Республикой Узбекистан.

36. На системной основе принимать меры по организации оздоровления детей в летний период в детских оздоровительных лагерях.

37. Оказывать содействие в оздоровлении в детских оздоровительных лагерях детей-сирот из домов «Мехрибонлик», а также детей из экологически неблагоприятных регионов республики.

38. Уделять особое внимание постоянной модернизации санаториев и домов отдыха, а также детских оздоровительных лагерей.

## VIII. Дополнительные гарантии для женщин и молодежи

Стороны, обязуясь соблюдать гарантии и предоставлять льготы, предусмотренные законодательством Республики Узбекистан для женщин и молодежи, считают необходимым:

39. Обеспечить неукоснительное соблюдение Сторонами следующих Конвенций Международной организации труда:

Конвенции №29 «О принудительном или обязательном труде»;

Конвенции №100 «О равном вознаграждении мужчин и женщин за труд равной ценности»;

Конвенции №103 «Об охране материнства»;

Конвенции №111 «О дискриминации в области труда и занятий»;

Конвенции №138 «О минимальном возрасте для приёма на работу»;

Конвенции №182 «О запрещении и немедленных мерах по искоренению наихудших форм детского труда».

40. Предусматривать в коллективных договорах и соглашениях вопросы предоставления льгот для женщин и молодежи, оказания им мер моральной и материальной поддержки, в том числе:

продление отпусков по беременности и родам;

оказание материальной помощи и установление сокращенной продолжительности рабочего времени для женщин с детьми;

предоставление дополнительных льгот в трудовых отношениях лицам моложе восемнадцати лет, а также выпускникам профессиональных образовательных учреждений;

предоставление беспроцентных ссуд молодым работникам для приобретения товаров длительного пользования, жилищного строительства, а также оплаты службы в мобилизационном призывном резерве.

41. Провести инвентаризацию и пересмотреть действующие ведомственные нормативно-правовые акты в части предоставления дополнительных гарантий для женщин и молодежи на предмет их соответствия конвенциям МОТ и законам Республики Узбекистан и внести предложения о дополнениях и изменениях или об отмене противоречащих норм.

42. Взять под особый контроль трудоустройство и закрепление на рабочих местах выпускников профессиональных колледжей.

## IX. Развитие социального диалога и социального партнерства

Стороны, декларируя свою приверженность идее социального диалога, как способа цивилизованного разрешения проблем в социально-трудовой сфере, обязуются:

43. Проводить встречи за круглым столом представителей Правительства, министерств, ведомств с профсоюзным активом и работодателями республики для обсуждения актуальных социально-экономических вопросов.

44. Соблюдать законные права профсоюзов и объединений работодателей, не препятствовать их созданию и функционированию в установленном законодательством порядке.

45. Рекомендовать заключать отраслевые (тарифные) соглашения между соответствующими профсоюзами и работодателями (их объединениями) – не позднее января, а коллективные договоры на предприятиях, в организациях и учреждениях – не позднее марта месяца соответствующего года.

46. Рекомендовать:

обеспечение участия председателей Центральных Советов профсоюзов на заседаниях соответствующих Комплексов Кабинета Министров в качестве наблюдателей;

введение председателей Центральных Советов профсоюзов в состав коллегии министерств и иных республиканских органов государственного и хозяйственного управления;

включение руководителя первичной профсоюзной организации в органы управления предприятием.

## X. Действие Соглашения, механизм его реализации, ответственность сторон за его выполнение

47. Настоящее Соглашение заключено на 2014-2016 годы и действует до заключения нового Соглашения. Действие Соглашения распространяется на всю территорию Республики Узбекистан.

48. Стороны признают настоящее Соглашение основным документом социального партнерства, устанавливающим общие принципы проведения согласованной социально-экономической политики и принимают на себя обязательства руководствоваться данным Соглашением, соблюдая все его условия.

49. Отдельные положения настоящего Соглашения подлежат реализации через включение их в отраслевые, территориальные (региональные) соглашения и коллективные договоры.

50. Каждая из Сторон, подписавшая настоящее Соглашение, признает свою ответственность за реализацию его целей в пределах своих полномочий и обязуется сотрудничать в разрешении возникающих проблем.

51. В период действия настоящего Соглашения Стороны считают необходимым:

до принятия решений, затрагивающих интересы Сторон по важнейшим вопросам социально-трудовых отношений, проводить взаимные консультации;

подводить итоги и ход выполнения Соглашения не реже одного раза в год.

52. Любая из Сторон, подписавшая настоящее Соглашение, вправе вносить предложения об изменениях и дополнениях, которые не создают препятствий для выполнения уже принятых Сторонами обязательств. Эти предложения могут быть приняты по взаимному согласию Сторон.

53. Контроль за реализацией настоящего Соглашения осуществляет трехсторонняя комиссия, утверждаемая сторонами (Состав комиссии прилагается).

Заключено в г.Ташкенте «25» декабря 2013г.

**Заместитель Премьер-министра**
**Республики Узбекистан**

А.Икрамов

**Председатель**
**Совета Федерации профсоюзов**
**Узбекистана**

Т.Нарбаева

**Председатель**
**Торгово-промышленной Палаты**
**Узбекистана**

А.Шайхов